

**Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Давлат бошқаруви академиясининг “Давлат бошқаруви”  
магистратура мутахассислиги тингловчилари учун 2017-2018 ўқув  
йилида стажировка ўташ, ҳисобот тайёрлаш тартиби ва баҳолаш  
ҚОИДАЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 745-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларининг доимий яшаш жойидан ташқарида бўлган жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибий бўлинмалари ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларда (мутахассислигини эътиборга олган ҳолда) стажировка ўтайдилар.

2. Стажировка илғор тажрибани ўрганиш асосида магистратура мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурлар талабларини мақсадли ўзлаштириш, муайян бошқарув лавозимларида дублёр вазифасини бажариш орқали бошқарув фаолияти соҳасидаги назарий билимлар ва амалий кўникмаларни синовдан (апробациядан) ўтказиш, магистратура тингловчиларининг таҳлилий, тадқиқот олиб бориш ва ижодий маҳоратини фан ва ишлаб чиқаришни таълим билан боғлаш орқали шакллантириш, тингловчиларни илмий-техникавий жараёнининг энг янги ютуқлари билан, иқтисодиёт соҳасидаги замонавий техника ва технологиялар билан ҳамда бошқарув фаолиятидаги илғор тажриба ва методология билан таништиришдан иборат.

3. Академиядан тингловчининг стажировка ўташ раҳбари Академия ректори буйруғи билан тайинланади.

4. Тингловчининг стажировка ўташ жойидаги стажировка раҳбари қабул қилувчи ташкилот раҳбари томонидан тайинланади.

5. Академия тингловчилари юбориладиган ташкилотлар раҳбарлари стажировкани сифатли ва мақсадли ўтиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. Стажировка ўқув жараёнида тингловчилар томонидан эгалланган бошқарув фаолиятига боғлиқ назарий билимлар ва касбий малака ҳамда маҳоратни мустаҳкамлаш, муайян иш жойида бошқарув фаолиятига

тайёрланиш ва магистрлик диссертациясининг амалий қисмига материаллар йиғиш учун йўналтирилган.

7. Стажировка Академия ректорининг буйруғи асосида ташкил этилади. Унда стажировка турлари, муддати ва жойлари, моддий таъминот, яшаш жойини тақдим этиш, жавобгар шахслар ва юбориладиган тингловчилар рўйхати таркиби ҳамда стажировка раҳбари белгилаб берилади.

8. Қабул қилувчи ташкилотдан тайинланган стажировка раҳбари стажировка ўташ жойларида меҳнат муҳофазаси талаблари ҳамда тингловчилар ҳаётининг хавфсизлиги бўйича тегишли чоралар кўради.

9. Стажировкани ташкил этишга оид саволлар юзасидан тингловчиларнинг хабардор қилиш Академиянинг “Амалиёт, стажировка ва жойлардаги машғулотлар” бўлими томонидан амалга оширилади.

10. Академия томонидан тайинланган стажировка раҳбари тингловчининг стажировка ўташ жойига етиб келишини назорат қилади. Қабул қилувчи ташкилот раҳбари ҳамда у ердан тайинланган стажировка раҳбари билан алоқада бўлиб туради шу билан бирга стажировкани барча даври учун шахсий режа тузади, қабул қилувчи ташкилот томонидан тайинланган стажировка раҳбари билан ҳамкорликда иш ҳажми ҳамда мазмунини аниқлайди. Стажировка ҳисоботи ҳимоясида иштирок этади.

11. Қабул қилувчи ташкилот раҳбари – стажировка ўташ бўйича Академия билан шартнома тузади. Тингловчиларни стажировка ўташда қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Қабул қилувчи ташкилотнинг малакали ва тажрибали мутахассислари орасидан тингловчининг стажировкасини ўташ бўйича масъулларни тайинлайди, назорат юритувчи ишчи гуруҳни тузади. Стажировканинг сифати ҳамда унинг мақсадли ўтишига шахсан масъул ҳисобланади. Стажировканинг қониқарсиз ташкил этилишига шахсан жавобгар бўлади. Стажировкани ташкил этиш учун тегишли шароитлар яратади.

12. Стажировка бошланиши билан тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, ички тартиб қоидалари ва улар танишиши зарур бўлган ҳужжатлар танишиш учун тақдим қилинади.

13. Стажировка бўйича қўйиладиган баҳолар таълим жараёнидаги баҳоларга тенглаштирилади ва тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича умумий рейтингининг якуний натижаларида ҳисобга олинади.

14. Стажировка ҳисоботи тингловчи томонидан ёзма шаклда тайёрланиши лозим. Уни тайёрлаш жараёнида қўйидаги талабларга риоя қилиниши керак:

стажировка ўташ даврида йиғилган материаллар жилди (уларнинг рўйхати кундаликда ўз ифодасини топиши зарур);

“А-4” форматли иш қоғози бўлиб, Times New Roman 14 шрифтда баён этилади;

матн оралиғи 1,5 интервалда бўлиши лозим;

ҳар бир варақнинг чап томонидан 3 см, юқори, ўнг ва пастки томонлардан 2 см.га четланган бўлиши лозим;

ҳар бир стажировка ҳисоботининг ҳажми 15 бетдан ошмаслиги 10 бетдан кам бўлмаслиги керак;

ҳисоботнинг титул варағи иловага мувофиқ тарзда расмийлаштирилади.

15. Стажировка ҳисоботи стажировка ўталган субъект томонидан берилган тавсифнома, стажировка даврида бажарилган ишлар ҳақида маълумот, Академиядан бириктирилган стажировка раҳбарининг хулосаси “Амалиёт, стажировка ва жойлардаги машғулотлар” бўлимига топширилади.

16. Тингловчилар томонидан амалга оширилган ҳисоботнинг ҳимояси Академиянинг тегишли кафедраларида Академия ректори буйруғи билан тузилган учта йўналиш бўйича ҳар бир йўналиш 3 кишидан (раис ва 2 аъзодан) иборат комиссия аъзолари томонидан ўтказилади ҳамда ҳимоя натижалари белгиланган мезонлар асосида баҳоланади.

17. Стажировка ҳисоботини баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

стажировканинг мақсади ва вазифалари, умумий маълумотлар – 10 баллгача (2 бет);

стажировка ўталаётган жойлардаги ҳолатни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш – 20 баллгача (4 бет);

стажировка давомида тўпланган барча маълумотларни таҳлил қилиш – 20 баллгача (4 бет);

тингловчининг стажировка натижаси бўйича умумий хулосаси ва стажировка ўталган жойни комплекс ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялари – 20 баллгача (3 бет);

стажировка ҳисоботини расмийлаштириш тартибига тўла амал қилинганлиги – 10 баллгача;

стажировка ўташ жойидаги стажировка раҳбарининг хулосаси – 20 баллгача.

Тингловчининг билимини баҳолашнинг рейтинг тизими қуйидагича:

аъло – 86-100 балл;

яхши – 71-85 балл;

қонақарли – 55-70 балл;

қонақарсиз – 0-54 балл.